



2020 yil « 16 » март № 187-К

Jomboy t.

Кудратов Одилга ғалла-сабзавотчиликга
ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этиш
учун ижарага ер ажратиш тўғрисида ,

Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 53-моддасига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарорига асосан Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссиясининг ва туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгашининг хulosаларини, Халқ депутатлари туман Кенгашининг қарорига асосан талабгорлар Кудратов Одил ва Джалалов Азизлар ўртасида ўтказилган танлов якунлари хужжатларини ҳамда Самарқанд шахри Ш.Руставелли кучаси 34/14-уда яшовчи фуқаро Кудратов Одилнинг ғалла-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этиш учун ижарага ер ажратиш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссиясининг ва туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгашининг хulosасига, Халқ депутатлари туман Кенгашининг қарорига асосан фуқаро Кудратов Одилга ғалла-сабзавотчилик ихтиёридаги (Миразиз Абдурахмонов фермер хўжаликни ташкил этиш учун туман ҳокимлиги иштиёридаги (Миразиз Абдурахмонов фермер хўжалигидан қайтариб олинган) Жомбой массивида жойлашган 242, 243, 304, 244, 247к, 246, 248, 302, 241к-контурлардаги жами 33,6 гектар, ўндан сувли экин ери 29,4 гектар, боғзор 1,0 гектар, тутзор 1,2 гектар, йўллар 0,2 гектар, канал ва коллекторлар 1,6 гектар ва бошқа ерлар 0,2 гектар ер майдонлари 49 (қирқ тўққиз) йил муддатга ижарага ажратилсин.

2. Туман ҳокимининг 11.05.2018 йилдаги 833-Қ сонли қарори билан “ТАП Жомбой агропилла” МЧЖга тут майдонлари ўтказилганлиги муносабати ушбу мазкур қарорнинг 2-бандида кўрсатилган тут майдонларини асралиши ва ҳимояланиши мақсадида ушбу қарорда тут майдонлари курсатилганлиги қайд этилсин.

3. Жомбой туман “Давлат хизматлари” маркази директори (Р.Рахматов)га белгиланган тартибда фермер хўжалиги Низомини рўйхатга олиш ва бу ҳақда тегишли ташкилотларга расмий маълумот бериш топширилсин.

4. Фуқаро Кудратов Одилга туман ҳокимлиги ва фермер хўжалиги ўртасидаги ер ижара шартномасини расмийлаштириш бўйича туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимига 3 кун муддат ичидаги мурожаат қилиш ва рўйхатдан ўтказиш вазифаси топширилсин.

5. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимига белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган фермер хўжалигига ер ажратиб бериш ва уни фаолиятини, ажратилган ер участкасидан белгиланган мақсадда фойдаланишини назорат килиб бориш вазифаси топширилсин.

6. Туман Давлат солиқ инспекцияси (Ш.Азаматов)га фермер хўжалигини бюджет билан бўладиган мумомаласини белгилаб бериш ва қонунда белгиланган тартибда солиқ ундирилишини назоратга олиш юклатилсин.

7. Фермер хўжалиги бошлиғига ўз муддатларида белгиланган (моддий техника базасини яхшилаш) устав жамғармасини шакллантириш вазифаси топширилсин.

8. Туман ҳокимининг ўринbosари А.Облақуловга, туман қишлоқ хўжалиги бўлими (А.Тураев)га фермер хўжалигига ажратилган ер майдонларида 2020 йил ҳосили учун тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари сўммаси турлари бўйича тақсимлаш, “Жомбой дон маҳсулотлари” АЖ билан ғалла топшириш шартномасини расмийлаштириш ва давлатга галла топширилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 36-моддаси 6-бандига асосан белгилангандан бошқа мақсадларда (ноконуний хар қандай қурилишлар қурилганда) фойдаланилганда ва 7-бандига асосан ер участкасининг ҳосилдорлик даражаси уч йил мобайнида нормативдан (кадастр баҳосига кўра) паст бўлганда ушбу қарор ўз кучини йўқотиши ҳамда ер участкасига бўлган хуқуқ бекор бўлиши ва давлатга келтирилган зарар ердан фойдаланувчидан ўндирилиши ва ноконуний қурилган хар қандай қурилиш фермер хўжалигининг раиси томонидан буздирилиб бартараф этилиши тўғрисида фермер хўжалиги раиси Кудратов Одил ушбу қарор билан огохлантирилган деб хисоблансан.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат килиш туман ҳокимининг ўринbosари А.Облақулов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Х.Туйчиев